

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУКАРОЛИК
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ № 00/13-01/001**

Тошкент ш.

2022 йил "06" январ

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги SF 00242-сон лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи "XALQ SUG'URTA" МЧЖ СК (бундан кейин матнда «Сугурталовчи» деб юритилади) номидан 2021 йил 30 декабр № 132 сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи сугурта хизматларини ривожлантириш департаменти директори **Темиров Ж.А.**, бир томондан, АТ "XALQ BANKI" Бош амалиёти филиали номидан (бундан кейин матнда «Сугурта қилдирувчи», номидан Устав асосида иш юритувчи бошқарувчи Солиев Ж., иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида мазкур Сугурта шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Сугурталовчи Сугурта қилдирувчининг мазкур шартноманинг 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги "Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли Қарори асосида сугурта хизматини кўрсатади.

1.2. Сугурталовчи мазкур шартномада шартлашилган сугурта мукофоти сугурта қилдирувчи томонидан тўлик тўланганидан сўнг сугурта полиси амал қилиш муддатида сугурта ходисаси содир бўлганда шартнома (сугурта полиси) да белгиланган сугурта пули доирасида сугурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

2. СУГУРТА ОБЪЕКТИ

Мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (сугурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фукаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий сугурта объектидир.

3. СУГУРТА ПУЛИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли қарорига белгиланади ва мазкур шартноманинг 1-илоvasида ҳамда ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган сугурта полисларида кўрсатилади.

4. СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича сугурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги "Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 141-сонли Қарорига асосан тасдиқланган сугурталаш қоидалари (кейинги матнларда "Сугурта қоидалари" деб юритилади) 5-илоvasидаги сугурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва унинг миқдори шартноманинг 1-илоvasида ва сугурта полисларида белгилаб қўйилди.

Сугурта мукофоти ҳар бир автоулов учун: 168 000 (бир юз олтинчи саккиз минг) сўми ташкил этди.

4.2. Мазкур шартнома бўйича сугурта мукофотини ҳисоблаш сугурталовчи томонидан мажбурий сугурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада сугурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек сугурта қоидалари 4-илоvasига мувофиқ шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда сугурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Сугурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Сугурта мукофотининг тўланган қисми деб сугурта мукофотининг сугурталовчи ҳисоб рақамига тўлик миқдорда келиб тушган қисми ҳисобланади.

4.4. Сугурта мукофоти тўлик тўланганидан сўнг сугурталовчи томонидан сугурта қилдирувчига мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича сугурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилди.

5. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда сугурта тўлови сугурта полисида кўрсатилган сугурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг сугурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда сугурта товонининг миқдори сугурта полисида кўрсатилган сугурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган сугурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

6. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ

6.1. Сугурталовчи сугурта қилдирувчининг (фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки сугурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) қамайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган сугурта қилдирувчининг (фукаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахснинг) барча қилдирилган ва исботланган ҳаражатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф килиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортик бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошка шу каби тўловларни копламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдориди, лекин суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан белосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хукукий ворисига) тўланади (суғурта коидалрининг 56-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлмиш суғурталовчи ва суғурта килдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятларига суғурта коидаларида белгиланган суғурталовчи ва суғурта килдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари тадбик қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сири бўлган маълумотларни сир сақлашлари шарт.

8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУГУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақикланганда;

б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроксиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда мууддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошка ҳолларда ҳам мууддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши мууддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган тоvon суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта полиси амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган мууддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда суғурта шартномаси ва (ёки) суғурта полисининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" қичик бандларида кўрсатилган бошка асосларга кўра мууддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг суғурта шартномаси бўйича исбот қилнадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонлар мазкур шартнома ва қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганликлари оқибатида иккинчи томонга етказилган зарар учун қонунчилик ҳужжатларига кўра жавобгар ҳисобланадилар.

10. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномадан қелиб қикадиған низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилиқ асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар қиритишлари мумкин.

10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг қучга қиради ва томонлар қелишувни ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан қикаётган томон иккинчи томонни қамда ўттиз кун олдин қелишувни бекор қилиш тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.4. Шартнома бир қил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

10.5. Суғурта шартномаси 1 йил муудатга тузилади, суғурта жавобгарлиги ҳисобланган суғурта мукофотининг Суғурталовчининг ҳисоб рақамига қелиб тушгандан қейин бошланади.

10.6. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

«Суғурталовчи»

«XALQ SUG'URTA» МЧЖ СК

Манзил: Ташкент ш.

Якқасарой т., Ш.Руставели қучаси, 9.

“Халқ Банки” АТ Тошкент ш. Амалёт бўлими

х/с: 2021 6000 3049 1548 5001

МФО: 01132 СТИР: 207 119 228

ОКЭД: 65120

“Суғурта қилдирувчи”

АТ “XALQ BANKI” Бош амалиёти филиали

Манзил: Ташкент ш.

Чилонзор т., Катортол қучаси, 46.

“Халқ Банки” АТ Бектемир филиали

х/с: 1990 9000 3000 0112 5928

МФО: 01125 СТИР: 207 215 726



Илова №1
Транспорт воситасини
эгаларини фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш
№ 00/13-01/001-сонли шартнома
"06" октябр 2022 йил.


Транспорт воситалари рўйхати

Т/Р	ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ТУРИ	ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ДАВЛАТ РАҚАМИ	ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ МАРКАСИ	СУҒУРТА МУКОФОТИ СУММАСИ
1	Енгил	01 727 АҲА	MALIBU 2	168 000
	ЖАМИ:			168 000

«Суғурталовчи»

«XALQ SUG'URTA» МЧЖ СК
Манзил: Ташкент ш, Яккасарой т.,
Ш.Руставели кучаси, 9.
"Халқ Банки" АТ Тошкент ш. Амалиёт бўлими
х/с: 2021 6000 3049 1548 5001
МФО: 01132 СТИР: 207 119 228
ОКЭД: 65120

«Суғурталовчи» номидан:
Суғурта хизматларини ривожлантириш
департаменти директори
Темиров Ж.А.



«Суғурта килдирувчи»

АТ "XALQ BANKI" бошқаруви
Манзил: Ташкент ш,
Чилонзор т., Қатортол кучаси, 46.
"Халқ Банки" АТ Бектемир филиали
х/с: 1990 9000 3000 0112 5928
МФО: 01125 СТИР: 207 215 726

«Суғурталовчи» номидан:
Бошқарувчи
Солдиев Ж.



M.Y.